

БИЗГА ҲАЁТ МАКТАБИ БУЛДИ...

Утган асрнинг 70-80-йилларида отахон университетнинг ўзбек филологияси факультетида таҳсил олган талабаларни омадли авлод дейиш мумкин. Шу вақтларда бу илм даргоҳи гуркираган, тилшунослик ва адабиётшунослигимизнинг чинорлари, даргалари фаолият юритишган эди. Аюб Ғуломов, Ёқуб Ғуломов, Озод Шарафиддинов, Муҳаммаднодир Саидов, Умарали Норматов, Санжар Содиков, Миразиз Миртожиев, Ёрмат Тожиев, Омонулла Мадаев, Лазиз Қаюмов... Бу рўйхатни анча давом эттириш мумкин. Бу устозларнинг ҳар бири ўзига хос услуби билан талабалар ҳурматига сазовор бўлган эди.

...1982-йил. Талабаликнинг дастабки кунлари. Ҳали бир-биримизни тўлиқ таниб олишга улгурмай, пахта теримига жўнайдиган бўлдик. Автобуслар карвони Сирдарёга етиб боргач, биз учун ўзгача давр бошланди. Биринчи курс бўлганимиз учун бизни юқори курслар билан бирга марказий баракка жойлаштиришди. Масъул домлалар билан таништиришди. Бошларида беретка, эгниларида ишчи кийим бўлган Ёрмат ака Тожиевни штаб бошлиғи деб таништиришганда «Жуда қаттикқўл бўлсалар керак», деб ўйладик. Юқори курсдагилар эса домла талабалар билан жуда яқин ва яхши муносабатда эканлигини айтишди.

Пахта даласига чиқа бошладик. Умрида пахта териш туғул, унинг қандай ўсишини билмайдиган биз, шаҳарлик талабалар учун ҳақиқий «фронт» кунлари бошланди. Эрталабдан теришга тушамиз, тушликкача умуман ўтириш йўқ, пешиндан кейин ҳам тинмаймиз, барибир терганимиз «норма»га етмайди. Кечқурун «штаб»да уялиб қолмаслик учун қанча ҳаракат қилсак ҳам, қўп теришнинг уддасидан чиқолмасдик. Талабаларнинг асосий қисми қизлар бўлгани учун кам те-
радиганлар анча эди. Ёрмат ака мана шундай ҳолларда ҳар

биримизга «она қизим» деб мурожаат килиб, руҳий далда берардилар. Штаб бошлиги бўлсалар-да, бировни каттик уришганларини эслай олмайман. Эрталабки умумий йигилишларда қанча пахта терилгани, кимлар интизомни бузгани айтиларди, лекин кўпчилик олдида ҳеч ким изза килинмасди. Ёрмат аканинг бошқарувчилик қобилиятига ўшанда тан берганмиз. Кейинги йилларда ҳам айнан шу домла пахта теримига раҳбар бўлдилар. Беш йиллик олтин давримизнинг энг эсда қоларли кунлари айнан пахта терими кунлари эди, десам, янглишмайман. «Бригада кунлари», «Қизлар куни», «Йигитлар куни» каби байрамларимиз, урф-одатларимизни саҳналаштириб, томошалар уюштириш ҳамманинг жону дили эди. Шунинг учун бўлса керак, кейинги йилларда «Пахтага кетарканмиз», деган хабарни орзикиб кутардик. Ёрмат акадек фидойи устозларимиз икки юз чоғли талабалар ҳаёти учун қанчалик жон қўйдиришганини кейинроқ ҳис этганмиз, албатта.

Ўқишлар бошланиб кетгач, факультет илмий муҳитга қайтди. Ёрмат аканинг нафақат моҳир раҳбар, балки илмий салоҳияти жуда юкори олим эканлигига гувоҳ бўлдик. Нафақат талабалар аудиториясида, балки кейинчалик ўқитувчиларнинг малака ошириш курсларида ҳам устознинг маърузаларини эшитганмиз. Бу сабоқларда китобларда учрамайдиган кизикарли ва муаммоли фактлар ўртага ташиларди ҳамда қизгин муҳокама бошларди. Шунинг учун бўлса керак, дарс тугаганини ҳам сезмай қолардик.

Илмий иш ёзиш иятида юрганимда якин дугонам Гулчехранинг Ёрмат ака раҳбарлигида диссертация ёзаётганини билганимдан кейин бир қарорга келиб, домлага учрашдим. Домланинг маслаҳатлари, курсатмалари билан уч ойга қолмасдан илмий иш ёзилди. Ҳимоя ҳам жуда чиройли ўтди...

Домланинг нафақат илмий салоҳият, раҳбарлик қобилияти, балки инсонийлик бобидаги маданияти ҳам ибратли эди. Сафдошларининг тўй-маъракаларида ҳамиша ўша хонадонга

бориб, ёнларида турар эдилар. Ҳамкасб сифатида эмас, бир
ака ё укадек, отадек ёрдамларини аямас эдилар.

Домланинг гайратига ҳавас қилмай илож йўқ. Умрининг
сўнгги кунларигача сабоқ бериб ўтган, илмий ишларга раҳ-
барлик қилган бу олим Ўзбекистон Миллий университети-
да, Гулистонда малака ошириш курсларида илм хазинасини
улашишга ҳаракат қилдилар. Хуллас, домланинг сермазмун
умри илм аҳли учун катта ҳаёт мактаби бўлиб қолди...

Албатта, домла ҳақида айтилаётган бу гаплар ҳамир учи-
дан патир, холос. Уларнинг биз билмаган қанча қирралари
бор. Устознинг минглаб шогирдларга қолдирган илм ганжи-
наси завол билмайди. Аллоҳ домламизни раҳматига олсин.
Хонадонларида УСТОЗ чироғи ҳеч қачон ўчмасин.

*Дилфуза ШОДИЕВА,
филология фанлари номзоди.*